

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДЖУРАЕВ ЖАМОЛБЕК АБДУКАХХОРОВИЧ

**ПОЛИПОЗ РИНОСИНУСИТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА
КЛИНИК-ГЕНЕТИК ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ДАВОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of medical science (DSc)

Джураев Жамолбек Абдукаххорович

Полипоз риносинуситларнинг ривожланишида клиник-генетик
омилларнинг аҳамияти ва даволаш самарадорлигини ошириш..... 3

Джураев Жамолбек Абдукаххорович

Значение клинико-генетических факторов в развитии полипозного
риносинусита и совершенствование его лечения 31

Djuraev Jamolbek Abdukakhorovich

The importance of clinical and genetic factors in the development of polyposis
rhinosinusitis and the improvement of its treatment 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДЖУРАЕВ ЖАМОЛБЕК АБДУКАХХОРОВИЧ

**ПОЛИПОЗ РИНОСИНУСИТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА
КЛИНИК-ГЕНЕТИК ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ДАВОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib408 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsd.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хасанов Улугбек Саидакрамович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Гусеунов Назим Мамед оглы тиббиёт фанлари доктори, профессор (Боку, Озарбайжон) Шамсиев Джахонгир Фазлитдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Гильдиева Маргарита Собировна биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Сеул Миллий Университети (Корея)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73; e-mail: info@tsdi.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси)

Н.К.Хайдаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.А.Абдуқаюмов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон статистикаси маълумотларининг келтирилишига кўра, «... сурункали полипоз риносинусит билан аҳолининг 2-4 % и касалланади, беморларнинг 40 % ида СПРС бронхиал астма билан бирга учрайди...»¹. Қатор хорижлик муаллифларнинг келтирган маълумотларда сурункали полипоз риносинусит билан оғриган беморлар учун ўртача амбулатор мурожаат даражаси 10 000 аҳолига 4,9 ни, касалхоналарда бундай беморлар даволанаётган беморлар сонининг ўртача 7,5 % ини ва янги ташхис қўйилган беморларнинг 80% 40 ёшдан ошган одамлар ташкил қилади. Сурункали полипоз риносинуситнинг етарлича кенг тарқалганлиги ва касалликни даволаш учун воситаларнинг етишмаслиги, турли хил этиологик гипотезалар патогенезнинг барча йўналишларини ва касалликнинг клиник хусусиятларини янада ўрганиш зарурлигини белгилайди. Ушбу касалликнинг патогенезининг умумий масалалари адабиётларда кенг ёритилган, аммо ҳозирги кунгача патогенезининг етакчи бўғини, морфологик полипоз тузилмаларининг шаклланишига олиб келадиган биологик жараёнларнинг механизми ва кетма-кетлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Бундан ташқари, бурун бўшлиғи шиллик қаватида полип шаклланишининг дастлабки босқичлари ҳақида ҳеч қандай тасаввур йўқ. Беморларда сурункали полипоз риносинусит касаллиги мавжуд беморлар ҳаёт сифати ҳолатини оширишга қаратилган тизимли даволаш усулларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда сурункали полипоз риносинусит касаллигини таъсир кўрсатувчи генетик омилларнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини тасдиқловчи қатор ишончли клиник ва эпидемиологик тадқиқотлар мавжуд бўлса ҳам, унинг генетик асоси ҳанузгача аҳамиятли даражада аниқланмасдан қолмоқда. Бу борада сурункали полипоз риносинусит касаллигида полипнинг морфологик турларини аниқлаш; полип тўқимасининг иммуногистокимёвий тадқиқотлари; полипоз риносинусит ривожланишида патогенетик аҳамияти юқори бўлган генетик мойилликларни аниқлаш; полипоз риносинуситни даволаш ва қайталанишида генетик омилларнинг аҳамияти – илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Буларнинг барчаси сурункали полипоз риносинуситнинг кенг тарқалганлиги ва касалланишнинг пасайишга тенденцияси йўқлиги сабабли муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, нафас олиш тизими касалликларни тарқалиши олдини олиш ва асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва

¹ЖССТнинг ташкилотининг йиллик ҳисоботлари

диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сурункали полипоз риносинуситни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда генетик таҳлил асосида касалликни эрта босқичда ташхислаш ва самарали даволашни амалга ошириш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш йўналишида илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари оториноларингологияда энг кўп учрайдиган патологиялар қаторига киради, бу замонавий экологик вазият, аллергия ва вирусли респиратор касалликларнинг кенг тарқалиши, маҳаллий ва умумий иммунитетнинг пасайиши билан боғлиқ. Барча тадқиқотчилар сўнгги йилларда дунёда сурункали синусит, шу жумладан сурункали полипоз риносинусит (СПРС) касаллигининг кўпайиб бораётганлигига қўшиладилар (Lin Y.T., Lin C.F., Liao C.K., Chiang B.L., Yeh T.H., 2021). Европа мамлакатларида 10 йил оралиқ билан ўтказилган СПРСнинг эпидемиологик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳар бир аниқ бир минтақада танланган вақт оралиғида касаллик тарқалиши сезиларли даражада ўзгармайди. Бир қатор сабабларга (экологик ҳолат, ижтимоий ва дорили зўриқишлар, одам организмнинг энг муҳим гомеостатик тизимлари функционал кўрсаткичларининг ўзгариши ва бошқалар) кўра СПРС билан касалланишнинг пасайишини кутмаслик керак. Минтақавий хусусиятлардан ёки бошқа ташқи омиллардан қатъий назар, СПРС билан касалланиш кўрсаткичлари барқарорлигини етакчи оториноларингологлар ушбу

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

нозологиянинг сабабларини (Cho S.W., Kim D.Y., Choi S., Won S., Kang H.R., Yi H., 2021), биринчи навбатда, СПРСнинг ривожланишига генетик мойилликни батафсил ўрганишга асос деб ҳисоблайди. Кўпгина далиллар СПРС ривожланишининг генетик гипотезасини қўллаб-қувватлайди. Полипозли ирсият мавжудлигида СПРСнинг ривожланиш хавфи 25 марта, MZ фенотипининг гетерозиготали ташувчиси (алфа-1 антитрипсиназа етишмовчилиги) - 4 маротаба, кулоқ олтингугуртининг куруқ турида - 3 марта юқори эканлиги исботланган; СПРС билан касалланган беморларда периферик қон хужайралари кариотипларида ўзгаришлар аниқланади (Klingler, A.I., Stevens, W.W., Tan, B. K., Peters, A. T., Poposki, J. A., Grammer, 2021).

Сўнгги ўн йиллик СПРС тарқалиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бораётгани билан ажралиб турди, аммо тадқиқотлар натижалари турли хил услубларда фарқ қилади ва шу сабабли олинган маълумотлар унчалик таққосланмайди. Бурун ёндош бўшлиқлар (БЁБ) полипозли ривожланишининг асосий шарти макроорганизмда ва хужайра даражасида турли хил экологик омиллар таъсири билан биргаликда турли хил биологик жараёнларнинг бузилиши деб ҳисобланади (Курбачева, О.М., Дынева, М.Е., Шиловский, И.П., Шачнев, К.Н., Ковчина, В.И., Никольский, 2021). Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг сўнгги қарашларига кўра, бурун полиплари сурункали яллиғланиш жараёнининг ҳосиласи бўлиб, сурункали ринит ва риносинусит (СРС) давомида ривожланиб борадиган бурун шиллиқ қавати ва БЁБнинг яллиғланишли гиперпластик шаклланиши ҳисобланади. СПРС бурун орқали нафас олишнинг бузилиши, гипо - ёки аносмия, бурун йўлларида ажралма борлиги, бурун илдизида оғирлик ҳисси, бурун бўшлиғи ва бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қаватида полипоз ўсишнинг мавжудлиги каби характерли клиник симптомларга эга (Пискунов Г.З., Гришина Е.А., 2021). Шиллиқ қаватнинг қалинлашиши нотекис бўлади. Бурун бўшлиғидаги полиплар остеоэатал комплекснинг чуқур қисмларида, илгаксимон ўсимтада, бурун ўрта йўлида ва фронтал чўнтакда аниқланади. Бурун ёндош бўшлиқларида полиплар кўпинча этmoid лабиринтнинг ўрта ва орқа хужайраларида ва юқори жағ бўшлиқларида учрайди.

СПРСда полипоз тўқималарининг турли хил морфологик тузилишини, касалликнинг полиэтиологиясини ҳисобга олган ҳолда, жарроҳлик аралашув тактикасини аниқлаш учун полипоз жараённинг дифференциал диагностикасига амалий эҳтиёж мавжуд (Хасанов У.С., Вохидов У.Н., 2017). Аэродинамик бузилишлар натижасида полипозда эндоскопик хирургик даво бурун ичи тузилмаларни бир вақтнинг ўзида коррекциялаш билан белгиланади, бу эса ҳаво оқимининг йўналишини ўзгартиради. Бундай беморларга операциядан кейинги даврда дори-дармонли даволаш керак бўлмайди. Синусларнинг сурункали йирингли яллиғланиши натижаси бўлган полипозда, БЁБга остеоэатал комплексдаги анатомик бузилишларни бартараф этиш учун жарроҳлик аралашуви буюрилади. Ушбу тоифадаги беморлар операциядан олдин ва кейин узоқ муддатли антибиотик терапияга

муҳтож бўлишади. Ўзбекистонда сурункали полипоз риносинуситнинг замонавий ташхислаш ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Шамсиев Д.Ф., 2015) бироқ, сурункали полипоз риносинусит билан хасталанган беморларда патогенетик даволаш жараёнида генетик омилларнинг ахамияти, самарали даволаш алгоритми тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шундай қилиб, бурун полипи хирургиясидаги катта тажриба шуни кўрсатдики, СПРСни даволаш муаммоси дастлаб жарроҳлик даволашни талаб қиладиган касаллик сифатида эмас, балки терапевтик нуқтаи назардан кўриб чиқилиши керак. Турли мамлакатларнинг етакчи олимларининг таъкидлашича, СПРСни даволашда келгусидаги ютуқлар жарроҳлик техникасини такомиллаштириш билан эмас, балки патогенезни ўрганиш ва янги дори воситаларини яратиш билан боғлиқ бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01997390385 «Асосий оториноларингологик касалликларнинг ташхислаш, даволаш ва оқилона олдини олиш усуллариининг янги йўллариини излаш» (2017-2021йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади генетик омилларнинг сурункали полипоз риносинуситнинг кечиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш, сурункали полипозли риносинуситли беморларни даволашнинг самарали схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали полипоз риносинуситнинг турли шакллариини аниқлаш учун морфологик тадқиқотлар ўтказиш;

сурункали полипоз риносинуситнинг турли шакллариини тарқалиши ва гендер хусусиятлари бўйича ахамиятини аниқлаш;

сурункали полипоз риносинуситнинг турли шакллариини эндоскопик ва рентгенологик хусусиятлари бўйича баҳолаш;

сурункали полипоз риносинуситли беморларда IL4, IL10, IL12B ва TLR2 генлари полиморфизмларининг аллел ва генотипик вариантларининг тарқалиш хусусиятини аниқлаш;

IL4, IL10, IL12B ва TLR2 генларининг аллел вариантларини сурункали полипозли риносинуситнинг ривожланиши ва клиник кечишида патогенетик ахамиятини баҳолаш;

сурункали полипоз риносинусит ташхислаш, даволаш ва прогнозлашни баҳолаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва ProfMedService хусусий шифоналарида даволанган 140 нафар беморлар олинган бўлиб, улардан 1 гуруҳни 80 нафар беморлар сурункали полипоз риносинусит билан, 2 гуруҳига 60 нафар беморлар сурункали полипозсиз риносинусит билан олинган бўлиб, назорат гуруҳига 50 нафар амалий соғлом шахслар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети сурункали риносинусит (полипли ва полипсиз) билан оғриган беморлар, шунингдек, қоннинг умумий таҳлили, биокимёвий ва генетик текширув учун периферик веноз қон, морфологик текширув учун полип туқимаси материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, эндоскопик, радиологик, инструментал, морфологик, генетик ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сурункали полипоз риносинуситнинг турли морфологик шакллари риноэндоскопик кўринишлари билан мос келиши исботланган;

сурункали полипоз риносинуситни юзага келтириш ва клиник кечишини ривожлантириш хавфига генетик мойилликда IL4 гени rs1143634 полиморфизми ҳамда TLR2 генининг 753Gln салбий аллел вариантларининг сезиларли ҳиссаси исботланган;

илк бор сурункали полипоз риносинуситнинг шиллик, аллергик, яллиғланишли гистологик турларида IL4 ва TLR2 генларининг нохуш аллелларининг учраши аниқланган;

сурункали полипоз риносинусит ривожланишида IL12B генидаги rs1143634 ва IL10 генидаги rs1143634 салбий генотип вариантларининг мустақил равишда кўшган ҳиссаси аҳамиятсиз эканлиги аниқланган;

илк бор сурункали полипоз риносинуситларни даволаш ва ташхислаш усулларини ўтказишда IL4 rs1143634 ва TLR2 753Gln генетик омилларининг аҳамияти аниқланган;

илк бор сурункали полипоз риносинуситнинг IL4 rs1143634 ва TLR2 753Gln генларининг ташувчиларида ушбу касалликнинг қайталанишининг мойиллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

тадқиқот давомида олинган маълумотлар оториноларинголог амалиётида диагностик стратегияни аниқлашда ва сурункали полипоз риносинусит билан оғриган беморларни даволаш тактикасини танлашда юкори самара бериши аниқланган;

сурункали полипоз риносинусит хавфи бўлган гуруҳларда, геннинг полиморф вариантларини аниқлаш ва улардан полипоз жараённинг ривожланиш хавфини баҳолашда фойдаланиш учун молекуляр генетик тадқиқотлар ўтказиш асосланган;

тадқиқотнинг олинган натижалари патологик жараёни шакллантиришнинг дастлабки босқичида ва меъёра постнатал онтогенезда одам бурун бўшлиғи шиллик қаватининг морфогенези ҳақидаги замонавий назарияни тўлдириши асосланган;

олинган клиник ва морфологик тадқиқотлар натижалари сурункали полипоз риносинуситни эрта аниқлашнинг диагностик ва профилактик усулларини такомиллаштириш, шунингдек, полипоз риносинуситни консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволашни оптималлаштиришда аҳамияти сезиларли эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, эндоскопик, радиологик, инструментал, морфологик, генетик ҳамда статистик тадқиқот усулларида морфологик ва генетик таҳлиллар асосида ташхислаш, даволаш ва прогнозлашни самарасини оширишни асослаш натижасида халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулосалар ва таклифлар сурункали полипоз риносинусит билан касалланган беморларда касалликнинг клиник-функционал, эндоскопик, морфологик, эндоскопик, генетик текширув усуллари, ўзига хос хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшиши илмий исботланган, шунингдек, даволашнинг самарали алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган даволаш алгоритми даволаш тактикасини татбиқ қилиш сифатини оширади ҳамда тааллуқли равишда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полипоз риносинуситларнинг ривожланишида клиник-генетик омилларнинг аҳамияти ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали риносинуситлар (полипоз)нинг гистологик турларини ташхислаш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали полипоз риносинуситнинг морфологик кўрсаткичларининг хусусиятлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 8н-р/15-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада сурункали риносинусит (кистоз) билан хасталанган беморларда касалликни ташхислаш, беморларни кузатиш орқали беморларнинг хасталик туфайли асоратларини олдини олиш имконини берган;

сурункали риносинуситлар (кистоз)нинг гистологик турларини ташхислаш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Юқори жағ бўшлиғи кисталарининг морфологик хусусиятлари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 8н-р/16-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали риносинусит (кистоз) билан хасталанган беморларда касалликни эрта ташхислаш, беморларни кузатиш орқали беморларнинг хасталик туфайли асоратларни олдини олиш имконини берган;

сурункали полипоз риносинуситни ривожланишига таъсир этувчи IL4, IL12b, IL10 ва TLR2 генларида ўтказилган молекуляр-генетик усуллари бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали полипоз риносинуситларни ривожланишида генетик

омилларнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 8н-р/17-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома генетик изланишларда генотипик нохуш аллелларни инобатга олган ҳолда сурункали полипоз риносинуситларни ривожланиши ва кечишида генетик омилларнинг ролини аниқлаш, даволаш, кайталанишини олдини олиш ва прогнозлашда ушбу таҳлил самарадорлигини ошириш имконини берган;

сурункали полипоз риносинуситларни ташхислаш, даволаш ва прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонаси оторинолорингология бўлими, Республика патологик анатомия маркази ва ProfMedService шифохонаси, InViVo шифохонаси, Республика патолого-анатомик марказ, Гематология ва кон куйиш илмий-амалий марказига клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 8н-д/46-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши сурункали полипоз риносинусит билан хастланган беморларда даволаш самарадорлигини ошириш, беморларнинг умр кўриш даврийлигини узайтириш, даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш, беморларнинг ҳаёт сифатини 29%га яхшилаш, ижобий даволаш самарадорлигини ошириш ва прогнозлаш ҳамда шу орқали ушбу хасталиқни кайталанишини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 213 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали полипоз риносинуситнинг этиопатогенези, ташхисоти ва даволашининг долзарб масалалари**» деб

номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг мушоҳадаси келтирилган. Сурункали полипоз риносинусит касаллигини муаммоларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар, касалликнинг этиологияси, патогенези, дифференциал ташхисоти, клиник белгиларининг тавсифини оториноларингологик амалиётдаги аҳамияти, ташхислаш, генетик маркерларнинг ушбу касалликнинг патогенезида тутган урни, замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Материал ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг ЛОР бўлимида 140 нафар бемор текшируви натижалари келтирилган бўлиб, 2018-2020 йилларда даволанган. Беморларнинг касаллик тарихи ва текшириш натижалари ўрганилган. Полипоз риносинуситни жарроҳлик даволашга тайёргарлик кўриш қоидаларига мувофиқ батафсил текширув ўтказилди. Беморларнинг асосий гуруҳида 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган 44 нафар эркак (55,0%) ва 36 нафар аёл (45,0%) бўлди. Беморларнинг ўртача ёши $41,2 \pm 3,1$ ёшни ташкил этди. Тадқиқот гуруҳидаги сурункали полипоз ва кистоз риносинуситли беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

СПРСли беморларининг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши

Жинси	Беморларнинг ёши, ёш						Ҳаммаси
	20 гача	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	
Эркаklar	5	8	7	11	9	4	44
%	6.25	10	8.75	13.75	11.25	5	55%
Аёллар	3	9	6	9	4	5	36
%	3.75	11.25	7.5	11.25	5	6.25	45%
Жами	8	17	13	20	13	9	80
%	10	21.25	16.25	25	16.25	11.25	100%

2-жадвал

СРС ли беморларининг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши

Жинси	Беморларнинг ёши, ёш						Ҳаммаси
	20 гача	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	
Эркаklar	1	11	15	1	2	2	32
%	1.7	18.3	25	1.7	3.3	3.3	53.3%
Аёллар	4	10	8	4	1	1	28
%	6.7	16.7	13.3	6.7	1.7	1.7	46.7%
Жами	5	21	23	5	3	3	60
%	8.4	35	38.3	8.3	5	5	100,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, СПРС кўпинча 21-30 ёшда (21,25%) ва 41-50 ёшда (25%) учради. Аёлларга қараганда эркаклар бир оз кўпроқ бўлди (1,5:1). Катта ёшли беморларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар эди (21 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар - 78,75%), бу ўрганилаётган муаммонинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлайди.

Олинган рақамли маълумотларнинг ўртача арифметик қиймати, унинг хатолиги ва ишончлилик даражаси 95% эҳтимолий даража бўйича аниқланди.

Диссертациянинг «**Сурункали риносинуситнинг морфологик тадқиқот кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида 1 гуруҳ 80 нафар сурункали полипоз риносинусит билан оғриган барча беморда ва 2 гуруҳ юкори жаг бушлиги кистаси билан оғриган 18 нафар беморларда гистологик текширув натижалари таҳлил қилинган.

Барча ҳолатларда, макроскопик кўрганда, тўқиманинг оч жигарранг рангдан оқ ранггача бўлган силлиқ юзали, айрим ҳолларда ғадир-будур юзали, юмшоқ консистенцияга эга, ўлчами 1х0,5 см дан 3х2,5 см гача бўлган полипсимон ўсиши қайд этилди.

Яллиғланиш полипи 15 та ҳолатни, яъни 18,75%ни ташкил этди гистологик ўзгаришлар, асосан лимфоцитлар, гистиоцитлардан ташкил топган, ўчоқли ёки диффуз полиморф яллиғланишли-хужайрали инфилтрация бўлган бириктирувчи тўқима тармоғининг интерстициал шиши билан тавсифланади, сурункали жараён кўзиганда плазматик хужайралар аралашмаси, қон қуйилиш ўчоқлари, якка йирик секретор фаол безлар билан полиморф ядроли лейкоцитлар сони ортди (1-расм).


Аллергик полипнинг юзаси кўп қаторли, айрим ҳолларда бир қаторли, цилиндрсимон эпителий билан қопланган бўлиб, строманинг зич бўлмаган бириктирувчи тўқималарининг кўп миқдордаги миксоид шиши, қон томир гиперемияси, кўп сонли эозинофил лейкоцитлар, ёрқин кўпайиш марказига эга якка йирик лимфоид фолликулалар, лимфоцитлар пролиферацияси билан кузатилди. Баъзи жойларда эпителий десквамацияси учради (2-расм).

Ангиоматоз полип стромасида лимфо-лейкоцитар инфилтрация ўчоқлари бўлган капилляр типдаги кўплаб пролиферацион томирлар, кўплаб грануляцияланган жойлари бўлган томирлар бўлади. Ангиоматоз полипнинг айрим ҳолатларида, асосан, капилляр типдаги ёриқсимон ва ингичка деворли томирлар аниқланди, беморларнинг умумий сониди бу тип 4 та ҳолатни, яъни 5%ни ташкил этди (3-расм).


Аденоматоз полип 5 та - 6,25% ҳолатда аниқланди. Полип стромаси баъзида секретор фаол бўлган кўп миқдорда безли тузилмалардан, турли шакл ва ўлчамдаги безлардан иборат бўлиб, уларнинг эпителийси кўпинча хужайралар пролиферацияси ҳолатида бўлади, улар билан бирга оз миқдорда қон томирлари бўлган гематоген-гистиоген табиатли хужайралар бирга учрайди (4-расм).

Полипнинг *безли* - *кистоз* шакли - 10 та ҳолатда аниқланди, яъни 12,5% ни ташкил этди, юзаси пролиферация ўчоқлари, эпителий десквамацияси ва кўп қаватли ясси мугузланмаган метаплазия бўлган кўп қаторли


цилиндрсимон киприкли эпителий билан қопланган. Строма нотекис шиш, тарқалган лимфогистиоцитар инфильтрация, ангиоматоз ва кўп миқдорда кистоз-кенгайган сероз безлар бўлган зич бўлмаган бириктирувчи тўқима билан тавсифланади. Эпителий хужайраларининг пролиферацияси ҳолатидаги алоҳида безлар кўп қаторли ва кўп қатламли бўлиб жойлашган (5-расм).




1-расм. Шиллиқли яллиғланишли полип. Полипнинг стромаси зич бўлмаган бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, у нотекис шиш, эозинофиллар аралашмаси билан лимфоцитларнинг тарқоқ ёки ўчоқли инфильтрацияси, майда шиллиқ безларнинг тўпланиши билан ифодаланади. (1-гурух) Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Ўлчамни катталаштириш x10.0



2-расм. Аллергик полип. Стромада миксоид шишли (а), томирлар гиперемияси, кўплаб эозинофил лейкоцитлар ва алоҳида йирик лимфоид фолликулалар (б) бўлган, зич бўлмаган бириктирувчи тўқима мавжуд. (1-гурух). Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Ўлчамни катталаштириш x 10.0.




3-расм. Ангиоматоз бурун полипи. Полипоз ҳосиланинг фиброз тўқимаси, стромада лимфо-лейкоцитар инфильтрация ўчоқлари бўлган капилляр типдаги, пролиферацияланадиган кўплаб томирлар (а), грануляция жойлари бўлган жуда кўп томирлар (б) мавжуд. (1-гурух). Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Ўлчамни катталаштириш x 10.0.




4-расм. Аденоматоз полип метаплазия (а) ўчоқлари бўлган кўпаядиган призматик эпителий билан қопланган. Зич бўлмаган стромасида кўплаб кўпаётган безли тузилмалар (б) мавжуд, уларнинг эпителийси атипик белгиларсиз, атрофида яллиғланишли инфильтрация ва қон қуйилиш ўчоқлари (с) бор. (1-гурух). Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Ўлчамни катталаштириш x 10.0.




5-рasm. Эпителий хужайраларининг пролиферацияси бўлган безли- кистозли полип. Безлар эгри-бугри, ички юзаси кистоз кенгайган, кўпаювчи кўп қаватли цилиндрсимон киприкли эпителий (а) билан қопланган. Строма кўп, нотекис мононуклеар яллиғланишли инфильтрация ва томирлар гиперемияси (б) бўлган бириктирувчи тўқиманинг хужайрали-толали тармоғидан иборат.



6-рasm. Сурункали яллиғланиш элементлари бўлган шиллиқли полип: юзаси пролиферация (а), деструкция ва дистрофия ўчоқлари бўлган кўп қаватли цилиндрсимон эпителий билан қопланган. Стромаси эозинофил, плазмоцитар ва лимфоцитар инфильтрация кучайган ўчоқлар, томирлар кўп бўлган бириктирувчи тўқиманинг шишган, ингичка тармоғидан иборат (б). Гистиоцитоз ўчоқлари мавжуд. (1-гурух) Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Ўлчамни катталаштириш x 10.0.



7-рasm. Яллиғланиш ўчоқлари бўлган респиратор киста. Киста девори пролиферация, десквамация (а) ўчоқлари бўлган респиратор эпителий билан қопланган. Строма гиперемияли, аралаш табиатли диффуз яллиғланиш инфильтрация бўлган фиброваскуляар тўқимадан иборат. Бундан ташқари, киста бўшлиғида шиллиқ қайд этилади (б). Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Ўлчамни катталаштириш x10.0.



8-рasm. Яллиғланиш генезли шиллиқ кистаси. Кистанинг девори десквамация ўчоқлари бўлган цилиндрсимон кўп қаватли эпителий (а) билан қопланган, кисталар ичида гомоген, баъзи жойларда кўпикли эозинофил таркиб (б) мавжуд. Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Ўлчамни катталаштириш x10.0.

Полипоз риносинуситнинг *шилликли шакли* энг кенг тарқалган шакл сифатида 17 та ҳолатда учради, яъни 21,2% ни ташкил этди, у нотекис шиш, ангиоматоз, қон томирларнинг тўлиши, лимфоцитларнинг тарқоқ ёки ўчоқли инфильтрацияси эозинофиллар аралашмаси билан, майда шиллиқ безларнинг тўпланиши, шунингдек гиперемия билан тавсифланди. Стромада ҳар доим миксоид массаларни топиш мумкин эди (6-рasm).

Иккинчи гуруҳдаги 18 нафар бемор кузатилганда шиллиқ қаватларда безлар ичида секрет бўлган кистоз ўзгаришлар, эпителий атрофияси қайд этилди, эпителий хужайралари пролиферацияси билан эгилган-букилган

шаклдаги майда найчалар учради. Қоплама эпителий кистали бўлиб, призматик ёки цилиндрсимон эпителийдан иборат бўлди. Строманинг катта қисми безлар ички юзасининг кенгайиши туфайли торайган, баъзи жойларда нотекис яллиғланишли-хужайрали инфилтрация ва миксоматоз ўзгаришлар аниқланди (7-8-расм).

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси**» деб номланган тўртинчи бобда сурункали риносинусит (полипоз ва полипсиз) касаллиги билан оғриган беморларни даволашдан олдинги даврдаги текширувлар натижалари ва даволаш усуллари таҳлил қилинган.

Текширилган беморлар асосан узок муддат давом этадиган СПРСга хос шикоятларни билдирдилар.

140 нафар беморларда бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукоцилиар клиренс ҳолати аниқлаш мақсадида стандарт сахарин синамаси ўтказилди. Олинган натижаларни таққослаш мақсадида бурун ва ёндош бўшлиқлари касалликлари бўлмаган амалий соғлом шахслар текширувдан ўтказилдилар. Соғлом шахсларда сахарин тutilган вақт фиксацияланди ва оғизда ширин маза келган вақт 5-19 дақиқани ташкил этди.

Иккала гуруҳ беморларда ва назорат гуруҳида амалий соғлом шахсларда бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг функционал ҳолати жарроҳлик амалиётидан олдин ва сўнг текширувдан ўтказилди. Текширув натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

СПРС бўлган беморларда бурун шиллиқ қавати функцияларини текшириш натижалари

Кўрсаткичлар	Умумий беморлар (n=140)		Назорат, n=40
	1-гуруҳ, n=80	2-гуруҳ, n=60	
Мукоцилиар клиренс (дақ.)	36,3±0,27***	35,1±0,4***	11,7±1,3
	17,6±0,17	23,2±0,18	
Водород ионлари концентрацияси кўрсаткичлари (рН)	7,42±0,01***	7,36±0,01***	7,0±0,01
	7,3±0,01	7,3±0,01**	
Сўриш функцияси (қорачиқнинг реакция вақти (дақ))	85,1±0,86***	82,3±2,3***	65,8±0,6
	73,8±0,52	74,4±0,66**	
Ажратувчи функция (пахта оғирлиги (млгр))	59,1±0,53***	53,6±0,2***	42,3±0,08
	47,2±0,05	42,7±0,07**	

Изоҳ: суръатда даволашдан олдин, махражда 6 ойдан кейинги натижалар

* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан сезиларли фарқлар (* - P <0,05; ** - P <0,01; *** - P <0,001)







Юқорида жадвалда келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, СПРС билан оғриган аксарият беморларда шиллик қаватнинг фнукционал ҳолати кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгарган, яъни, мукоцилиар клиренс $36,64 \pm 0,36$, сўриш вазифаси (қорачикнинг реакция вақти) $89,54 \pm 0,77$, водород ионлари концентрацияси кўрсаткичлари $7,38 \pm 0,01$ ва ажратиувчи вазифаси (пахта оғирлиги) $58,75 \pm 0,21$ ни ташкил этди. Бу шуни кўрсатадики, беморлар ҳаёт сифатининг кескин пасайганлигидан далолат беради.

140 нафар беморларни барчасида даволаш муолажаларидан олдин ва сўнг бурун бўшлиғи эндоскопияси ўтказилди.

Эндоскопик текширувда бурун полиплари силлик, ялтироқ, шиллик қаватда кулранг хосила, етарли даражада ҳаракатчан, ён атроф тўқима билан ёпишмаган, бурун йўллари етарли даражада торайтирган, зонд билан тегилганда қонаш аломатлари кузатилгани йўқ. Эндоскопик текширув натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал





СПРС билан оғриган беморларда риноэндоскопия текширув натижалари

	
Оч кулранг, силлик юзали, ялтироқ тусдаги шиллик полип	Пушти кизгиш кон томирлар инъекцияси куринишидаги ангиоматоз полип
	
Кулранг хиралашган шиллик ажралма билан яллигланган полип	Кулранг тусда бироз кизгиш кизил догчалар билан аллергик полип
	
Кулранг контури бироз нотекис бурган тусдаги аденоматоз полип	Кулранг тусда толалар йуналиши билан фиброз турдаги полип

Жарроҳлик операцияси ҳажми бурун ичи полипотомиясидан тортиб, то бошқа бурун ичи тузилмаларини бир вақтнинг ўзида коррекциялаш билан бир нечта бурун ёндош бўшлиқларидаги қўшма операцияларгача (симультан) ўзгариб турди. Юқори жағ ва этмоид бўшлиқлардан полиплар ва кисталарни олиб ташлаш билан эндоскопик назал полипотомия ўтказилди (беморларнинг 87,2%да), беморларнинг 17,1%да (24) юқори жағ бўшлиқларида экстраназал операция ўтказилди. (5-жадвал, расм 9,10,11,12).

5-жадвал

Беморларда бажарилган жарроҳлик амалиётлари босқичлари.

	
<p>9-расм. Бурун бушлиги полип хосиласи аниқланиши. Сурувчи асбоб-анжом ёрдамида полип хосиласи тортиб олиниш жараёни.</p>	<p>10-расм. Махсус микробридер (Шейвер) ёрдамида полип хосиласи олиб ташлаш жараёни.</p>
	
<p>11-расм. Илгаксимон усик орка кесувчи асбоб-анжом ёрдамида олиниб, юқори жағ бушлиги табиий тешиги ёрдамида бушликка кирилди, полип хосиласи микродебридер ёрдамида олиб ташлаш жараёни</p>	<p>12-расм. Юқори жағ бушлиги табиий тешиги ёрдамида бушликка кирилди, полип хосиласи микродебридер ёрдамида олиб ташлаш жараёни</p>

Сурункали полипоз риносинуситли беморларда IL1, IL4, IL10 ва TLR2 интерлейкинлар генларини ўрганиш натижалари.


СПРС ва СРС билан касалланган беморлар гуруҳида TLR2 гени rs 5743708 полиморфизми частотасининг қиёсий таҳлили.

TLR2 генида Arg753Gln полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини аниқлаш частоталарини ўрганиш уларнинг асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида тарқалишида фарқлар мавжудлигини кўрсатди (6-жадвал).

Тадқиқот давомида Gln аллелига нисбатан Arg аллелининг аниқланиш частотаси 1-гуруҳда 9,0, 2-гуруҳда 6,27 ва назорат гуруҳида 6,12 баравар юқорилиги қайд этилди. 1-гуруҳда Arg\Arg генотиби Arg\Gln ва Gln\Gln генотипларига нисбатан мос равишда 4,0 ва 24,0 баравар, назорат гуруҳида эса мос равишда 7,9 ва 62,6 баравар кўп аниқланди (13-расм).

**СПР ва СРС билан касалланган беморларда TLR2 генида
Arg753Gln полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тарқалиш
частотаси**


№	Гурух	Аллеллар частотаси				Генотиплар частотаси					
		Arg		Gln		Arg\Arg		Arg\Gln		Gln\Gln	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	СПРС (n=31)	54	87.09	6	9.67	24	77.41	6	19.35	1	3.22
2	СРС (n=40)	69	86.25	11	13.75	30	75	9	22.5	1	2.5
3	Назорат гуруҳи (n=73)	135	92.5	11	15.1	64	87.7	8	11.0	1	1.4



13-расм. СПРС ва СРС билан касалланган беморларда TLR2 гени rs5743708 полиморфизми аллеллари ва генотиплари вариантларининг частотасидаги фарқлар.

13-расмдан кўриниб турибдики, Arg генотипининг аниқланиш частотаси СПРС билан касалланган беморларга нисбатан назорат гуруҳида, бирмунча сезиларлироқ, аммо статистик жиҳатдан ишончсиз, яъни 1,06 бараварга ошганлиги қайд этилди ($\chi^2=1.511$; $p=0.421$; $RR=0.942$; $OR=0.550$; 95% CI: 2.898-1.427). СПРС билан оғриган беморлар орасида Gln генотипининг аниқланиш частотаси атиги 1,71 баравар кўпроқ тарқалганлигини қайд этиш мумкин бўлди. Gln/Gln генотипининг аниқланиш частотаси СПРС билан оғриган беморлар орасида 3,23% ни ташкил этди, бу статистик жиҳатдан ишончли кўрсаткич бўлиб, популяция намунасида 2,35 баравар юқоридир, унинг учраши 1,35% даражада бўлди ($\chi^2=0.397$; $p=0.294$; $RR=2.355$; $OR=2.4$; 95% CI: 37.92-36.50) бўлди.

14-расмда СРС билан оғриган беморларда ва назорат гуруҳида TLR2 гени rs5743708 полиморфизми аллеллари ва генотипларининг аниқланиш частоталари бўйича қиёсий таҳлил натижалари келтирилган.



14-расм. СРС билан оғриган беморларда ва назорат гуруҳида TLR2 гени rs5743708 полиморфизми аллеллари ва генотипларининг аниқланиш частоталари бўйича фарқлар.

TLR2 гени rs5743708 полиморфизми Arg аллелининг учраш частотаси статистик жиҳатдан ишончсиз бўлиб, шартли-соғлом одамлар орасида 1,07 баравар юқори ($\chi^2=2.27$; $p=0.5$; $RR=0.93$; $OR=0.51$; 95% CI: 2.29-1.22) кўрсаткичда қайд этилди. Gln/Gln генотиби СРС билан оғриган беморлар орасида назорат гуруҳига қараганда 1.82 мартаба кўп учради ($\chi^2=0.19$; $p=0.35$; $RR=1.82$; $OR=1.84$; 95% CI: 28.85- 29.09).

Шундай қилиб, СПРС билан оғриган беморларда TLR2 гени rs5743708 полиморфизмининг ноқулай Arg аллели СРС билан оғриган беморларга ва соғлом одамларга нисбатан кўп учрайди. Гомозиготали Gln/Gln варианты устун (1,1 мартадан 1,6 мартагача) бўлган ҳолда ушбу аллел учрашининг юқори частотаси қайд этилди.

СПРС, СРСли беморлар орасида ва назорат гуруҳида IL 10 генидаги rs1800895 592 C>A полиморфизми тарқалиш частотасининг таҳлил натижалари.

СПРС, СРС билан касалланган беморлар ва шартли-соғлом одамлар орасида ИЛ10 генида rs1800895 полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиши ўрганилди, унинг натижалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал


Беморлар орасида ва назорат гуруҳида IL 10 генидаги rs1800895 592 C>A полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси

№	Гуруҳ	Аллеллар частотаси				Генотипларнинг тарқалиш частотаси					
		C		A		C\C		C\A		A\A	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	СПРС n=31	50	80.64	12	19.35	21	67.74	8	25.80	2	2.81
2	СРС n=40	65	81.25	15	18.75	27	67.5	11	27.5	2	5
3	Назорат гуруҳи n=73	121	82.9	5	3.4	51	69.9	19	26.0	3	4.1

7-жадвалдан кўриниб турибдики, барча гуруҳларда С аллелининг тарқалиш частотаси А аллели билан таққослаганда юқори, С аллели 19,35%, 18,75% ва 3,4% га тенг бўлса, мос равишда А аллели 80,64%, 19,35% ва 82,9% ни ташкил этди. Умуман олганда, фарқларнинг намоён бўлиши юқори даражада бўлди.

Популяция гуруҳида генотиплар тарқалишини ўрганиш, 1-гуруҳ учун сезиларсиз фарқларга эга генотипларнинг учраш кийматлари ўртасида фарқларни аниқлади. Шунингдек, назорат гуруҳидаги каби шартли-соғлом одамлар орасида ҳам гомозиготали С/С генотипини ўрганишда энг юқори аниқланиш даражаси - 69,9% аниқланди. СПРС билан оғриган беморларда С/А гетерозиготали генотипи учун 25,8% га тенг бўлган кичик кўрсаткич характерли бўлди. Шартли соғломлар орасида ҳам, СПРС билан касалланганлар орасида ҳам гомозиготали А/А генотипини ўрганишда энг кам учраш даража - 4,1% аниқланди (15-расм).


Назорат (3-гуруҳ) ва асосий (1-гуруҳ) гуруҳда аллеллар ва генотиплар учрашининг қиёсий таҳлил натижалари 15-расмда келтирилган.



15-расм. СПРС билан касалланган беморларда ва назорат гуруҳида IL 10 генида rs1800895 592 C>A аллеллари ва генотиплари полиморфизмининг учраш частотасидаги фарқлар

СРС бўлган 2-гуруҳ беморларда ва популяция гуруҳида IL 10 генида rs1800895 592 C>A полиморфизми аллеллар ва генотипларининг учрашининг таҳлили натижалари 16-расмда келтирилган.

Тадқиқот давомида С аллелининг учраш частотаси СРС билан касалланган 2 гуруҳдаги беморларда 81,25% ни ташкил этди (16-расм), бу кўрсаткич 96,58% га тенг бўлган назорат гуруҳига нисбатан паст эканлиги аниқланди ($\chi^2 = 15.04$; $P=0.75$; $RR=0.84$; $OR=0.15$; 95% CI: 0.15-0.39), А аллели 2-гуруҳда статистик жиҳатдан ишончсиз даражада устунлик қилди 18,75% ($\chi^2 = 15.04$; $P=0.25$; $RR=1.18$; $OR=6.50$; 95% CI: 6.50-16.76).



16-расм.СРС бўлган беморларда ва назорат гуруҳида IL 10 генида rs1800895 592 C>A полиморфизми аллеллар ва генотипларининг учраш частотасидаги фарқлар.

Гомозиготали C/C генотиби 2-гуруҳдаги СРС билан оғриган беморлар орасида ҳам, шартли-соғлом одамлар орасида ҳам аниқланиш частоталарида фарқларнинг йўқлиги билан тавсифланади, яъни унинг аниқланиши деярли бир хил даражада бўлди ($\chi^2=0.06$; $P=0.37$; $RR=0.96$; $OR=0.89$; 95% CI: 2.71-2.05).

СПРС ва СРС билан касалланганлар орасида IL 12B гени A1188C rs3212227 полиморфизми тарқалиш частотаси таҳлили натижалари.


8-жадвалда 1-2 гуруҳда IL12B генида A1188C rs3212227 полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тарқалиш қийматлари келтирилган.

8-жадвал

СПРС ва СРС бўлган беморларда IL 12B генида A1188C rs 3212227 полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси.

Num	Гуруҳ	Алеллар частотаси				Генотипларнинг тарқалиш частотаси					
		A		C		A / A		A / C		C / C	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий (n = 71)	127	89,4	15	10,6	56	78,8	15	21,1	0	0
2	СПРС (n = 31)	56	90,3	6	9,6	25	80,6	6	19,3	0	0
3	СРС (n = 40)	71	88,7	9	11,2	31	77,5	9	22,5	0	0
4	Назорат (n = 73)	130	89,0	16	10,9	57	78,1	16	21,9	0	0


17-расмда популяция гуруҳи вакиллари ва 1-2 гуруҳдаги беморлар орасида аллеллар ва генотиплар тарқалишини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.



17-расм. СПРС бўлган беморларда ва назорат гуруҳида IL 12B генида A1188C rs3212227 полиморфизми аллеллари ва генотиплари частотасидаги фарқлар

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, А аллелнинг аниқланиш частотаси иккала гуруҳда ҳам статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга бўлмади, бироқ СПРС билан касалланган беморлар орасида унинг аниқланиши ошишининг сезиларсиз тенденцияси қайд этилди ($\chi^2 = 0.07$; $P = 0.2$; $RR = 1.01$; $OR = 1.14$; 95% CI: 4.13- 3.09), С аллел эса, аксинча, шартли-соғлом одамлар орасида учраши ошди ($\chi^2 = 0.07$; $P = 0.7$; $RR = 0.98$; $OR = 0.87$; 95% CI: 1.68- 2.33).

18-расмда СРС билан оғриган беморларда ва шартли-соғлом одамлар орасида IL12B генида A1188C rs3212227 полиморфизмининг аллеллари ва генотиплари тарқалишини таҳлил қилиш натижалари бир хил кўрсаткичларни намойиш этиши кўрсатилган.



18-расм. СРС билан оғриган беморларда ва шартли-соғлом одамлар орасида IL12B генида A1188C rs3212227 полиморфизмининг аллеллари ва генотиплари учраши частотасидаги фарқлар.

А ва С аллелларининг тарқалишини таҳлил қилиш, назорат гуруҳида А аллелнинг 1,0 мартадан бироз камроқ, аниқроғи статистик жиҳатдан ишончсиз бўлганлигини кўрсатди ($\chi^2 = 0.004$; $P = 0.36$; $RR = 0.99$; $OR = 0.97$; 95% CI: 2.95- 2.30), СРС бўлган беморлар орасида С аллелининг тарқалиши эса

1,0 баравардан камроқ устунликка эга бўлди ($\chi^2=0.04$; $P=0.6$; $RR=1.0$; $OR=1.03$; 95% CI: 1.84- 2.45).

СПРС ва СРС билан касалланганлар орасида IL4 генида C589T rs2243250 полиморфизми тарқалиш частотасини таҳлил қилиш натижалари.

